



№4

MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR

ILMIY ELEKTRON JURNALI



**ISSN: 2181-3965
VOLUME 5
TOSHKENT 2026**

“MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR” ILMIY ELEKTRON JURNALI TAHRIRIYAT KENGASHI RAISI

To‘lqin Zakirovich Teshabayev – tahririyat kengashi raisi. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

TAHRIRIYAT KENGASHI

Mehmonov Sultonali Umaraliyevich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O‘quv ishlari bo‘yicha birinchi prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Abdurahmanova Gulnora Qalandarovna - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Karimova Komila Daniyarovna - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Yoshlar masalalari va ma‘naviy-marifiy ishlar bo‘yicha birinchi prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Xudoyqulov Sadirdin Karimovich - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Hududiy ta‘lim masalalari va markazlar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sindarov Sherzod Egamberdiyevich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Infratuzilmalarni rivojlantirish va iqtisod ishlari bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Saparov Aktam Jo‘rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori

Islamkulov Alimnazar Xudjamuratovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Pardayev Abdunabi Xoliqovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Kuziyev Islomjon Ne‘matovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Baymurotov Tursunbay Maxkambayevich – iqtisodiyot fanlari nomzodi, professor

Omonov Akrom Abdinazarovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sharipov Qongratbay Avezimbetovich – texnika fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vaziri

Jumayev Nodir Xosiyatovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi deputati

Haydarov Nizomiddin Hamroyevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Raviprakash G. Dani – Xalqaro ta‘lim konsultanti, professor (AQSH)

Bagautdinova Nailya Gumerovna – Qozon federal universiteti Boshqaruv, iqtisodiyot va moliya instituti direktori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Rossiya Federatsiyasi)

Sharifzoda Mu‘min Mashokir – Tojik davlat huquq, biznes va siyosat instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Tojikiston Respublikasi)

Maley Elena Borisovna – Polotsk davlat universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent (Belarus Respublikasi)

Asif Mahbub Karim – Malayziya Menejment va tadbirkorlik universiteti professori (Malayziya qirolligi)





Piter Xayk – Yevropa amaliy fanlar va menejment instituti ilmiy ishlar bo'yicha prorektori (Chexiya Respublikasi)

Yavuz Demirel – Kastamonu universiteti professori (Turkiya Respublikasi)

Jo'rayev Abdug'affor Safarovich – Termez agrotexnologiyalar va Innovatsion rivojlanish instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Ismanov Ibroxim Nabiyeovich – Farg'ona politexnika instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Xayriddinov Azamat Botirovich – Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti prorektori iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent

Tashnazarov Samiddin Nizamovich – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Nurmanov Ulug'bek Anorbayevich - Bank-moliya akademiyasi “Buxgalteriya hisobi va audit” kafedrasida professori, iqtisodiyot fanlari doktori

Yakubova Nargiz Tursunbayevna – iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Mamatov Baxadir Safaraliyevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qiyosov Sherzod Uralovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Urazaliyev Kamoliddin Tajikulovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

JURNAL TAHRIRIYATI

Saparov Aktam Jo'rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori, dotsent

Avlokulov Anvar Ziyadullayevich – ilmiy muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Aliqulov Mehmonali Salohiddin o'g'li – mas'ul muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Buxorova Moxira Samandarovna – muharrir

O'zbekiston Respublikasi OAK Rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 364-son qarori bilan “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiyalari yuzasidan assosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

“Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali

23.11.2022-yildan

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan **№R-566966** reyestr raqami tartibi bo'yicha ro'yxatdan o'tkazilgan.

Litsenziya raqami: **№049864**





MUNDARIJA			
1.	Ollokulova Feruza Mansurovna	Uzoq muddatli davrda davlat-xususiy sheriklik rivojlanishning muqobil ssenariylari	7
2.	Умарова Зумрад Низомиддин кизи	Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузиш: таъйинлар, усуллар ва замонавий ёндашувлар	13
3.	Sayipov Begzod Rahimovich	Valyuta kursi va mehnat bozori barqarorligi o'rtasidagi makroiqtisodiy muvozanatni ta'minlashda monetar siyosatning roli	25
4.	Sharipov G'ulomjon Qarshi o'g'li	Qashqadaryo viloyatida yashil iqtisodiyot rivojlanishining zamonaviy holati va rivojlanish istiqbollari	32
5.	Кабилова Шахноза Жураевна	Организационно-управленческий механизм развития сферы услуг в малом бизнесе (на примере Кашкадарьинской области)	38
6.	Xamdamov Sardor Farmon o'g'li	Davlat xaridlarini moliyaviy tartibga solishning xorijiy tajribasi va undan milliy amaliyotda foydalanish imkoniyatlari	43
7.	Primkulova Zilola Abrorovna	Xususiy tibbiyot tashkilotlarida xarajatlar buxgalteriya hisobini takomillashtirishning nazariy asoslari	48
8.	Kilichev Alisher Akramovich	Mavsumiy ishlab chiqarishni moliyaviy qo'llab-quvvatlashning xorijiy tajribasi va undan O'zbekistonda foydalanish imkoniyatlari	52
9.	Vaisov Dilshod Ibodullayevich	Xorijiy amaliyotda kichik biznes subyektlari moliyaviy raqobatbardoshligini rivojlantirishning integratsiyalashgan institutsional yondashuvlari	57
10.	Nematullayev Hamidullo Azizillo o'g'li	Raqamli iqtisodiyot sharoitida buxgalteriya hisobini transformatsiyalash va MHXSga o'tish istiqbollari	65
11.	Мурадов Баҳром Акрамжанович	Темир йўл соҳасида инновацион инфратузилмани ривожлантириш механизмлари	72





ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Мурадов Баҳром Акрамжанович

мустақил изланувчи

Тошкент давлат транспорт университети

E-mail: muradovbahrom@gmail.com

ORCID ID: 0009-0004-3693-7943

Аннотация. Мақолада темир йўл соҳасида инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг амалий механизмлари асосланган. Расмий манбалар таҳлили инфратузилмадаги асосий камчиликларни аниқлади: «А» тоифа оморлар эҳтиёжнинг атиги 10–15 фоизини қоплайди, логистика марказлари Тошкент атрофида тўпланган, контейнерлаштириш ва рақамлаштириш даражаси паст. Илмий янгилик — уч таркибли (ташкилий, иқтисодий, рақамли) механизм ва уни жорий этиш кетма-кетлиги; механизм олти ҳудудни ихтисослаштириш, йиллик 200 млн долларлик имтиёзли кредит линиялари ва ягона рақамли платформа воситаларига таянади.

Калит сўзлар: инновацион инфратузилма, амалий механизм, логистика маркази, «қуруқ порт», давлат-хусусий шериклик, рақамли платформа.

МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ В ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОЙ ОТРАСЛИ

Мурадов Баҳром Акрамжанович

Самостоятельный соискатель

Ташкентского государственного

транспортного университета

E-mail: muradovbahrom@gmail.com

ORCID ID: 0009-0004-3693-7943

Аннотация. В статье обоснованы практические механизмы развития инновационной инфраструктуры в железнодорожной отрасли. Анализ официальных источников выявил ключевые недостатки инфраструктуры: склады класса «А» покрывают лишь 10–15% потребности, логистические центры сконцентрированы вокруг Ташкента, уровень контейнеризации и цифровизации низок. Научная новизна — трёхкомпонентный (организационный, экономический, цифровой) механизм и последовательность его внедрения; механизм опирается на специализацию шести регионов, ежегодные льготные кредитные линии в 200 млн долларов и единую цифровую платформу.

Ключевые слова: инновационная инфраструктура, практический механизм, логистический центр, «сухой порт», государственно-частное партнёрство, цифровая платформа.

MECHANISMS FOR DEVELOPING INNOVATION INFRASTRUCTURE IN THE RAILWAY SECTOR

Muradov Bahrom Akramjanovich

Independent Researcher

Tashkent State Transport University

muradovbahrom@gmail.com

ORCID ID: 0009-0004-3693-7943

Abstract. This article substantiates practical mechanisms for developing innovation





infrastructure in the railway sector. Analysis of official sources revealed key infrastructure gaps: class-A warehouses cover only 10–15% of demand, logistics centers are concentrated around Tashkent, and containerization and digitalization levels remain low. The scientific novelty is a three-component (organizational, economic, digital) mechanism and its implementation sequence; the mechanism relies on the specialization of six regions, annual concessional credit lines of \$200 million, and a unified digital platform.

Keywords: *innovation infrastructure, practical mechanism, logistics center, dry port, public-private partnership, digital platform.*

Кириш

Ўрганишлар натижасида темир йўл транспорти инновацион экотизимининг олти акторли модели асосланган эди. Бироқ ҳар қандай модель фақат уни ҳаракатга келтирувчи аниқ механизмлар⁸ орқали амалий қийматга эга бўлади. Айнан шу боис мазкур мақола экотизим моделидан унинг амалий воситаларига — инновацион инфратузилмани ривожлантириш механизмларига — ўтишни таъминлайди.

Мавзунинг долзарблиги расмий даражада тан олинган муаммолар билан белгиланади. 2026 йил июль ойида Президентга тақдим этилган транспорт-логистика таҳлилида қайд этилишича, автоматлашган «А» тоифадаги омборлар умумий эҳтиёжнинг атиги 10–15 фоизини қоплайди, замонавий музлаткичли ва божхона омборлари етишмайди, логистика марказлари асосан Тошкент ва унинг атрофида тўпланган, контейнерлаштириш улуши ҳамда соҳада рақамлаштириш даражаси паст [1]. Шу билан бирга, ечим йўналишлари ҳам белгиланмоқда: олтита ҳудудни (Ҳонобод, Ангрен, Янгийўл, Оҳангарон, Олот, Термиз) транспорт-логистика соҳасига ихтисослаштириш, логистика марказлари учун жами 300 гектар ер ажратиш ва ҳар йили 200 млн долларлик имтиёзли кредит линияларини йўналтириш таклиф этилган [2; 3].

Стратегик контекст ҳам муҳим: «Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон» ва Трансафғон темир йўл лойиҳалари ишга тушса, Ўзбекистон Тинч океанидан Европагача бўлган энг қисқа қуруқлик йўлагининг асосий бўғинларидан бирига айланиши ва юк ташиш вақти 8 кунгача қисқариши кутилмоқда [1]. Бундай имкониятни рўёбга чиқариш учун темир йўл линияларининг ўзи етарли эмас — экспертлар таъкидлаганидек, янги йўлнинг қиймати унинг атрофида қурилган логистика марказлари, божхона тизимлари ва омборларга боғлиқ [4]. Демак, инновацион инфратузилма⁹ магистрал лойиҳаларнинг «мультипликатори» вазифасини ўтайди.

Тадқиқотнинг мақсади — темир йўл соҳасида инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш. Вазифалар: инфратузилма камчиликларини расмий манбалар асосида тизимлаштириш; механизмнинг таркибий қисмларини (ташкилий, иқтисодий, рақамли) асослаш; воситаларни кутилаётган натижалар билан боғлаш; жорий этиш кетма-кетлигини таклиф этиш.

Адабиётлар шарҳи

Иқтисодий адабиётда «механизм» тушунчаси ташкилий тузилмалар, иқтисодий воситалар ва ҳуқуқий нормаларнинг мақсадга йўналтирилган мажмуи сифатида талқин этилади. Инфратузилма иқтисодиётига оид классик тадқиқотларда (Д. Ашауэр ва издошлари) инфратузилма инвестицияларининг мультипликатив самараси асосланган: транспорт инфратузилмасига киритилган ҳар бир бирлик маблағ боғлиқ тармоқларда қўшимча қиймат яратади [5]. Лапидус ва Мачерет бу қонуниятни темир йўл транспорти мисолида ривожлантириб, тармоқнинг макроиқтисодий ролини кўрсатганлар [6].

⁸ Механизм (иқтисодий маънода). Белгиланган мақсадга эришиш учун ўзаро боғланган ташкилий тузилмалар, иқтисодий воситалар (рағбатлар) ва ҳуқуқий нормаларнинг мажмуи.

⁹ Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватловчи объектлар ва тизимлар мажмуи: технопарклар, логистика марказлари, ахборот платформалари, синов майдончалари ва молиявий институтлар.





Инновацион инфратузилмани ривожлантириш механизмларига оид замонавий тадқиқотларда давлат-хусусий шериклик¹⁰ (ДХШ) марказий ўрин тутади: у давлатнинг стратегик йўналтирувчи ролини хусусий секторнинг самарадорлиги билан бирлаштиради [7].

«Куруқ порт»¹¹ концепцияси ички ҳудудларда денгиз порти функцияларини (контейнер терминали, божхона расмийлаштируви) бажарувчи логистика тугунларини англатади ва денгизга чиқиш имкони йўқ мамлакатлар учун алоҳида аҳамиятга эга [10]. Ўзбекистон шароитида бу концепция Тошкент, Навоий ва Наманганда амалда ривожлантирилмоқда [1]. Бироқ мавжуд адабиётда ушбу элементларни темир йўл соҳасининг инновацион ривожланиши билан боғловчи яхлит механизм Ўзбекистон мисолида ишлаб чиқилмаган — мазкур мақола шу бўшлиқни тўлдирди.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда механизмни лойиҳалашнинг уч босқичли мантиғи қўлланилди. Биринчи босқичда ҳужжат таҳлили методи орқали расмий манбаларда [1–3] қайд этилган инфратузилма камчиликлари тизимлаштирилди ва «муаммо — восита» мослиги ўрнатилди. Иккинчи босқичда воситалар уч таркибий гуруҳга (ташкилий, иқтисодий, рақамли) таснифланди; таснифлаш мезони сифатида воситанинг таъсир табиати (институционал тартиб, молиявий рағбат ёки ахборот муҳити) олинди. Учинчи босқичда графоаналитик моделлаштириш орқали механизмнинг яхлит схемаси ишлаб чиқилди ва блоклар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқалари белгиланди. Халқаро тажриба билан қиёслашда туркумнинг иккинчи мақоласи натижаларидан [8] фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Биринчи натижа — инфратузилма камчиликлари ва уларга мос ечим воситаларининг тизимлаштирилиши (1-жадвал). Ҳар бир расман қайд этилган муаммога камида битта аниқ восита бириктирилди, бу механизмнинг «бўшлиқсиз» камровини таъминлайди.

1-жадвал

Инфратузилма камчиликлари ва ечим воситалари мослиги ([1–3] асосида муаллиф тизимлаштируви)¹²

Расман қайд этилган камчилик	Ечим воситаси	Механизм тури
«А» тоифа омборлар эҳтиёжнинг 10–15%ини қоплайди [2]	Оҳангаронда «А» тоифадаги йирик логистика маркази қурилиши [3]	Ташкилий + иқтисодий
Логистика марказларининг Тошкент атрофида тўпланиши [2]	Олти ҳудудни ихтисослаштириш: Хонобод, Ангрен, Янгийўл, Оҳангарон, Олот, Термиз [3; 4]	Ташкилий
Хусусий инвестициянинг етишмаслиги	Йилига \$200 млн имтиёзли кредит, 300 га ер ажратиш, ташқи инфратузилмани бюджетдан қуриш [3; 4]	Иқтисодий
Контейнерлаштириш улушининг пастлиги [2]	«Куруқ порт»лар тармоғини кенгайтириш (Тошкент, Навоий,	Ташкилий

¹⁰ Давлат ва хусусий сектор ўртасида хавф-хатар, харажат ва фойдани тақсимлашга асосланган узоқ муддатли шартномавий ҳамкорлик шакли; инфратузилма лойиҳаларида кенг қўлланилади.

¹¹ «Куруқ порт» (dry port). Денгиз портидан узоқда, ички ҳудудда жойлашган, темир йўл ёки автомобиль йўли орқали порт билан боғланган ҳамда контейнер терминали ва божхона расмийлаштируви функцияларини бажарувчи логистика тугуни.


¹² Muallif ishlanmasi





	Наманган) [2]	
Рақамлаштириш даражасининг пастлиги [2]	Ягона логистика платформаси ва электрон маълумот алмашинуви	Рақамли
Чегара ўтказиш қувватининг чекланганлиги	Хонободда халқаро темир йўл чегара пункти, божхона терминаллари қурилиши [3]	Ташкилий + иқтисодий

Иккинчи ва марказий натижа — уч таркибли ташкилий-иқтисодий механизмнинг яхлит схемаси (1-расм). Механизм ягона мақсадга бўйсундирилган уч восита гуруҳини, мувофиқлаштирув қатламини, оралик ва пировард натижаларни ҳамда фикр-мулоҳаза (мониторинг) контурини ўз ичига олади.



1-расм. Темир йўл инновацион инфратузилмасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми (муаллиф ишланмаси)

Механизмнинг ўзига хос жиҳати — мувофиқлаштирув қатламининг алоҳида ажратилиши. Таҳлил кўрсатганидек, воситаларнинг ўзи (кредит, ер, солиқ имтиёзи) аллақачон расмий ҳужжатларда мавжуд ёки таклиф этилган [2; 3]; асосий хавф уларнинг тарқоқ ҳолда, бир-бирдан узилган ҳолда қўлланилишидир. Шу боис муаллиф томонидан ягона лойиҳа офиси — Транспорт вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» ҳолдинг ва хуудий ҳокимликлар вакилларида иборат доимий мувофиқлаштирув органи — ташкил этиш таклиф этилади.

Учинчи натижа — жорий этиш кетма-кетлиги. Механизм воситалари уч тўлқинда ишга туширилиши асосланди: биринчи тўлқинда ташкилий асос (хуудлар ихтисослашуви, лойиҳа офиси) яратилади, чунки усиз молиявий воситалар самарасиз тарқалади; иккинчи тўлқинда иқтисодий рағбатлар (кредит линиялари, ер ажратиш) фаоллаштирилади; учинчи тўлқинда, дастлабки объектлар ишга тушгач, рақамли платформа барча иштирокчиларни ягона ахборот муҳитига бирлаштиради. Ушбу кетма-кетлик биринчи мақолада [11] асосланган «институционал асос → ташкилий қайта қуриш → технологик модернизация» тамойилининг инфратузилма даражасидаги татбиғидир.





Муҳокама

Таклиф этилган механизмни халқаро тажриба билан қиёслаш унинг асослилигини текшириш имконини беради. Европа Иттифоқида инфратузилма инновациялари айнан аралаш молиялаштириш (бюджет + тармоқ бадали) ва кучли мувофиқлаштирув органи (қўшма корхона) орқали бошқарилади [9] — таклиф этилаётган лойиҳа офиси шу мантиқнинг миллий миқёсдаги аналогига ҳисобланади. Германия тажрибаси эса [8] огоҳлантирувчи сабоқ беради: рақамлаштиришни ташкилий тайёргарликсиз бошлаш кечикишларга олиб келади, шу боис механизмда рақамли тўлқин атайлаб учинчи ўринга қўйилган.

Механизмнинг кутилаётган иқтисодий самараси транзит салоҳияти орқали баҳоланиши мумкин: расмий прогнозларга кўра, йирик темир йўл лойиҳалари ва уларга ҳамроҳ инфратузилма ишга тушса, Хитойдан Европагача юк ташиш вақти 8 кунгача қисқаради [1] — бу Ўзбекистоннинг Марказий Осиёнинг асосий логистика ва тақсимот марказига айланиши учун реал асос яратади [4]. Бироқ бу самара автоматик эмас: 1-жадвалда кўрсатилган камчиликлардан бирортаси бартараф этилмаса (масалан, божхона терминаллари қувватсиз қолса), бутун занжир самараси чекланади — бу Аднернинг экотизим назариясидаги «энг заиф бўғин» тамойилининг инфратузилмавий кўриниши.

Тадқиқот чекловлари: механизм воситаларининг миқдорий самарадорлиги (масалан, ҳар бир восита бўйича кутилаётган ROI) ушбу мақолада баҳоланмади — бу туркумнинг инвестицияларни бошқариш ва лойиҳаларни баҳолашга бағишланган кейинги мақолалари вазифаси; шунингдек, механизм миллий даражада лойиҳаланган бўлиб, ҳудудий хусусиятларга мослаштирув алоҳида тадқиқот талаб қилади.

Хулоса

Биринчидан, расмий манбалар таҳлили темир йўл инновацион инфратузилмасидаги олти асосий камчиликни тизимлаштириш ва ҳар бирига аниқ ечим воситасини бириктириш имконини берди; воситаларнинг аксарияти давлат даражасида аллақачон таклиф этилган бўлиб, асосий муаммо уларнинг мувофиқлаштирилмаганлигида экани аниқланди.

Иккинчидан, уч таркибли (ташкилий, иқтисодий, рақамли) механизм ишлаб чиқилди; унинг марказий янгилиги — воситаларнинг ўзида эмас, балки уларни ягона контурга бирлаштирувчи мувофиқлаштирув қатлами (лойиҳа офиси) ва уч тўлқинли жорий этиш кетма-кетлигидадир.

Учинчидан, механизм назарий тамойиллар (кичик тизимлар кетма-кетлиги, экотизим ёндашуви) билан узвий боғланган ҳолда лойиҳаланди ва кейинги жараёнлар — рақамли трансформация, инвестицияларни бошқариш ва KPI тизими — учун амалий асос яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёевга транспорт-логистика ва транзит салоҳияти таклифлари тақдим этилди // Sputnik Ўзбекистон. — 2026. — 1 июль. — URL: <https://sputniknews.uz/20260701/>
2. Ўзбекистоннинг олти худудини транспорт-логистика соҳасини ривожлантиришга ихтисослаштириш таклиф этилди // Gazeta.uz. — 2026. — 1 июль. — URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2026/07/01/logistics/>
3. Ўзбекистон транзит салоҳиятини ошириш бўйича янги таклифлар кўриб чиқилди // Anhor.uz. — 2026. — июль. — URL: <https://anhor.uz>
4. Ўрта коридор ягона йўналиш сифатида ишлаши керак — экспертлар // Gazeta.uz. — 2026. — 19 июнь. — URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2026/06/19/middle/>
5. Aschauer D.A. Is public expenditure productive? // Journal of Monetary Economics. — 1989. — Vol. 23, № 2. — P. 177–200.
6. Лapidус Б.М., Мачерет Д.А. Макроэкономическая роль железнодорожного транспорта. — М.: КРАСАНД, 2014. — 234 с.





7. Yescombe E.R. Public-Private Partnerships: Principles of Policy and Finance. — Oxford: Butterworth-Heinemann, 2007. — 350 p.
8. Europe's Rail Joint Undertaking: European partnership for rail research and innovation. — Brussels: EU-Rail, 2024. — URL: <https://rail-research.europa.eu>
9. UNCTAD. Review of Maritime Transport: The concept of dry ports. — Geneva: United Nations, 2020.

